

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017. San.51.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**УМАРОВА ДИЛДОРА БАХТИЯРОВНА**

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИРИНИНГ  
АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**17.00.04 – тасвирий ва амалий безак санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Умарова Дилдора Бахтияровна</b> Мустақиллик даври Ўзбекистон рангтавирининг асосий тенденциялари.....	3
<b>Умарова Дилдора Бахтияровна</b> Основные тенденции живописи Узбекистана периода независимости.....	23
<b>Umarova Dildora Baxtiyarovna</b> The main tendencies of painting of Uzbekistan in the period of independence.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	47

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017. San.51.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**УМАРОВА ДИЛДОРА БАХТИЯРОВНА**

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИРИНИНГ  
АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**17.00.04 – тасвирий ва амалий безак санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/San44 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ЎзР ФА Санъатшунослик институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.fineartins.uz](http://www.fineartins.uz)) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аҳмедова Нигора Раҳимовна**  
санъатшунослик фанлари доктори,  
ЎзБА академиги

**Расмий оппонентлар:**

**Қодирова Дилфруз Мухсиновна**  
санъатшунослик фанлари доктори  
**Пулатов Дилмурод Саймамутович**  
санъатшунослик фанлари номзоди


**Етакчи ташкилот:**


**Камолидин Бехзод** номидаги  
Миллий рассомлик ва дизайн институти


Диссертация химояси ЎзР ФА Санъатшунослик институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017. Сан.51.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил "6" сентябр соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2. Тел.: (+99871) 239 46 67, факс: (+99871) 239 17 71, e-mail: siti1928@mail.ru

Диссертация билан ЎзР ФА Санъатшунослик институти кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2.

Диссертация автореферати 2019 йил "16" август тарқатилди.  
(2019 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ даги реестр баённомаси).

  
**А. А. Ҳақимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
санъатшунослик фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
академиги, Ўзбекистон Бадний академияси  
академиги

  
**Н. Ғ. Қаримова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, санъатшунослик фанлари номзоди,  
катта илмий ходим

  
**И. А. Мухтаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тасвирий санъат жаҳон маданиятида кечаётган замонавий интеграцион ва глобал жараёнларни ёрқин акс эттирувчи асосий сегментлардан бири ҳисобланади. Дунё микёсидаги бадий жараёнларда етакчилик қилаётган тенденциялар санъат асарининг фалсафий, эстетик ва техник ифодасини тубдан ўзгартирган постмодернизм йўналиши билан узвий боғлиқ. Мавжуд маданий мерос ва анъаналарга асосланган ҳолда, инсталляция, перформанс, видеоарт, фото арт каби кўринишларда акс этган замонавий санъат инсон фаолиятини фалсафий англашда янги имкониятлар бермоқда. Мазкур инновацион тенденциялар рангтасвир тараққиётини ҳам янги босқичга олиб чиқиб, санъатни фалсафийлаштириш контекстида янги спецификага эга бўлди.

Жаҳон санъатшунослигида рангтасвирнинг ижтимоий-маданий аҳамияти, унинг ривожига юзага келаётган долзарб муаммоларни ўрганишга қаратилган кенг доирадаги тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур жараёнда замонавий рангтасвирнинг бадий потенциални очишга йўналтирилган илмий изланишлар алоҳида ўринга эга. Хорижий мамлакатларда рангтасвирнинг ўзига хос шаклланиш хусусиятлари, ривожланиш босқичларига оид асосий йўналишлар ва тенденцияларни аниқлаш масалалари устувор аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида санъатнинг барча қатламларида ўз аксини топган маданий интеграция миллий рангтасвир соҳасининг замонавий бадий жараёнлар билан уйғунликда ривожланиши учун зарур имкониятлар яратди. “Бугунги кунда замонавий ўзбек тасвирий санъатига қўлаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани, турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, хусусан, расом ва ҳайкалтарошлар, халқ усталари ижодида янгича мазмун ва шакл, жаҳон санъат майдонида муносиб ўрин эгаллашга интилиш тенденциялари кўзга ташланаётганини ижобий баҳолаш лозим”<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон рангтасвирида ривожланган янги тенденциялар, уларнинг замонавий жараёнлар билан алоқаси ва миллий бадий мерос билан уйғунлигини тадқиқ этиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори // Халқ сўзи. - 2017 й., 17 август.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XX аср Ўзбекистон рангтасвири фаол ривожланган ўзига хос тарихий-бадий феномен сифатида кўплаб монография, альбом ва илмий мақолаларда тадқиқ этилди. Унинг алоҳида муаммолари ва аспекти Л.Жадова<sup>2</sup>, А.Умаров<sup>3</sup>, Р.Тоқтош<sup>4</sup>, Д.Саидова<sup>5</sup>, Т.Маҳмудов<sup>6</sup>, В.Лаковская<sup>7</sup>, Н.Ахмедова<sup>8</sup>, Л.Шостко<sup>9</sup>, К.Оқилова<sup>10</sup>, А.Эгамбердиев<sup>11</sup>, А.Ҳақимов<sup>12</sup> каби олимлар ишларида ўрганилди. Юқорида санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг ишлари диссертация учун муҳим ёрдамчи манбага айланди. Шу билан бирга 1990-йилларда миллий санъатшуносликда жамиятдаги тарихий ва маданий трансформацияларни намоён этган объектив муҳим ўзгаришлар юз берганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Бу йилларга келиб Ўзбекистон замонавий санъатини совет санъатшунослигидаги метод ва ёндашувлар ёрдамида таҳлил қилиш мушкуллашди. А.Ҳақимов, Н.Ахмедованинг тадқиқотларида ўзбек рангтасвирини ўрганиш борасидаги янги назарий ёндашувлар, унинг маънавий, анъаналар, замонавий жараёнлар билан боғлиқлиги ўз ифодасини топди. Қайд этилган муаллифларнинг ишларида миллий санъат масалаларини ўрганиш борасида фанлараро ёндашув ва маданиятшунослик аспектига эътибор қаратилди.

Ушбу тадқиқот мавзусини ўрганишда хорижлик ва рус олимларининг ишлари манба вазифасини бажарди, негаки уларда замонавий санъат, Ғарб ва Шарқ маданиятларининг алоқадорлиги билан боғлиқ масалаларни ўрганишда қўлланилган янги методологик ва назарий тадқиқотлар кўриб чиқилган.

<sup>2</sup>Жадова Л. Современная живопись Узбекистана. – Ташкент: Государственное издательство художественной литературы УзССР. 1962. – 112 с.

<sup>3</sup>Умаров А. Портретная живопись Узбекистана. – Ташкент. 1968. – 135 с.

<sup>4</sup>Такташ Р. Изобразительное искусство Узбекистана /вт. половина XIX в. - 50е гг. XX в. – Ташкент: Фан. 1972. – 280 с.

<sup>5</sup>Саидова Д. Историко-революционный жанр в живописи Узбекистана. – Ташкент. 1977. – 160 с.

<sup>6</sup> Маҳмудов Т. Эстетика живописи Узбекистана. – Ташкент: Изд. литературы и иск. им. Г.Гуляма. 1983. – 223 с.

<sup>7</sup>Лаковская В. Послевоенная станковая живопись Узбекистана. – Ташкент: Фан. 1991. – 156 с.

<sup>8</sup>Ахмедова Н. Живопись Центральной Азии XX века: особенности формирования и развития. Ташкент. 2004. – 224 с.

<sup>9</sup>Шостко Л. Ахмедов Рахим. Каталог юбилейной выставки. – Ташкент. 2001.

<sup>10</sup> Ақилова К. А. Нур. Ташкент: Изд-во «San'at». 2008. – 326 с.

<sup>11</sup>Эгамбердиев А. XX аср Ўзбекистон рангтасвирида картина ривож. Докторлик диссертацияси. – Ташкент. 2009. – 272 б.

<sup>12</sup>Ҳақимов А. Искусство Узбекистана история и современность // А. А. Ҳақимов; Ин-т искусствознания, АН РҶУз. – Ташкент: Изд-во ж-ла «San'at». 2010. – 504 с.

Мазкур ўринда постмодернизм, концептуал санъатга онд Х.Гадамер<sup>13</sup>, И.Ильин<sup>14</sup>, Ж.Ф.Лиотар<sup>15</sup>, Ф.Джеймисон<sup>16</sup>, В.Мизиано<sup>17</sup>, Б.Тейлор<sup>18</sup>, Е.Андреева<sup>19</sup>, А.Якимович<sup>20</sup>, Н.Маньковская<sup>21</sup> тадқиқотларини келтириш мумкин.

Бадий жараёни илмий ўрганишда халқаро, минтақавий ва республика доирасидаги кўргазмалар, альбомлар ва каталогларга ҳам таянилади. Рассомларнинг устахоналари билан танишув, улар билан санъат муаммолари тўғрисида олиб борилган суҳбатлар тадқиқотни амалга оширишда катта фойда берди. Ўзбекистон рангтасвирига доир тарихий-назарий ва монографик масалаларни ишлаб чиқишга тадқиқотчиларнинг қўшган муҳим хиссасини эътироф этган ҳолда, 1991-2017 йиллардаги замонавий ўзбек тасвирий санъати тенденциялари билан боғлиқ умумлаштирувчи тадқиқот амалга оширилмаганини таъкидлаш лозим.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ФА Санъатшунослик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А-2-096 “Мустақиллик даври Ўзбекистон тасвирий санъатида анъанавий мерос ва маънавиятнинг ўрни” мавзусидаги фундаментал лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон замонавий рангтасвирдаги асосий тенденцияларни тадқиқ этиш асосида бадий жараён ва ижодий талқин муносабатларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон замонавий рангтасвирининг асосий тенденцияларини аниқлаш;

миллий рангтасвир тараққиётининг илмий-назарий аспектларини таҳлил қилиш;

рангтасвирда тарихий мавзунинг долзарблик касб этаётганлигини тадқиқ этиш;

республика замонавий санъати янгиланиши жараёнида миллий мероснинг етакчилик ролини очиқ бериш;

рамзий-метафорик тенденциянинг шаклланишига Шарқ маънавий-поэтик анъаналарининг таъсирини асослаб бериш;

<sup>13</sup>Гадамер Г.Х. Актуальность прекрасного. – М.: Искусство. 1991. – 367 с.

<sup>14</sup>Ильин И. Постмодернизм от истоков до конца столетия. – М. 1995. - 197 с.

<sup>15</sup>Лиотар Ж-Ф. Состояние постмодерна. – СПб.: Алетейя. 1998. – 160 с.

<sup>16</sup>Джеймисон Ф. Теория постмодернизма // Искусствознание 1/01. М. 2001. 111-122 с.

<sup>17</sup>Мизиано В. "Другой" и разные / В. Мизиано. – М.: Новое литературное обозрение. 2004. – 304 с.

<sup>18</sup>Тейлор Б. Актуальное искусство 1970 – 2005/ Брэндон Тэйлор; пер. с англ. Э.Д. Меленевской; - М.: Слово. 2006. – 256 с.

<sup>19</sup>Андреева Е. Постмодернизм: Искусство второй половины XX — начала XXI века. СПб: Азбука-классика. 2007. – 488 с.

<sup>20</sup>Якимович А. Полеты над бездной. Искусство, культура, картина мира. 1930-1990. – М.: искусство XXI век. 2009. –464 с.

<sup>21</sup>Маньковская Н., Бычков В. Эстетика постмодернизма как феномен техногенной цивилизации // Искусствознание 1-2/11. М. 2011. – 188-210 с.

замонавий рангтасвирда шартли-декоратив тенденциянинг янгиланиш хусусиятларини тадқиқ этиш;

миллий санъатда ғарб модернизми йўналишларини ўзлаштириш хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистонда концептуал санъатнинг ўзига хос шаклланиш йўлларини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мустақиллик давридаги Ўзбекистон рангтасвири белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети ХХ аср охирлари – ХХІ аср бошларида (1991-2017 йй.) ўзбек рангтасвирида юзага келган янги тенденциялар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш динамикаси ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида қиёсий, типологик, тавсифий, таснифий, илмий холислик, тарихийлик, санъат асарининг бадиий таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий картина ва портрет жанрлари ривожига ўтмишни холисона баҳолаш, ватанпарварлик, миллий ғурур, аждодлар хотирасига ҳурмат мезонлари етакчилик қилгани аниқланган;

ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маърифий, лирик мавзулардаги рангтасвир асарларида маърифий мазмун ва индивидуал ижодий услубнинг устуворлиги асосланган;

замонавий миллий рангтасвирда рамзий-метафорик, шартли-декоратив, янгиланган реализм, модернизм ва концептуал санъатга оид тенденцияларининг устуворлиги исботланган;

кубизм, экспрессионизм, абстракционизм, сюрреализм каби йўналиш ва оқимлар билан боғлиқ ижодий изланишларда ўзига хос ёрқин колорит, орнаментал шакл ва ритм муҳим аҳамиятга эгалиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мустақиллик даври рангтасвирида мавжуд бўлган илғор ижодий тажриба ва тенденцияларни замонавий бадиий жараёнга кенг татбиқ этиш ва миллий рангтасвирга оид ижодий изланишларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Жаҳон санъатшунос лигининг синалган методлари ва назарий ёндашувлари қўлланилганлиги, ишлаб чиқилган хулоса, таклифлар амалиётга жорий қилиниб, тегишли ташкилот ва муассасалар томонидан олинган натижаларнинг расмий тасдиқланиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар санъатшунослик илмидаги мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва рангтасвир асарлари таҳлили орқали аниқланган тенденциялар, анъаналар ва новаторлик изланишлари рангтасвир тарихи ва назарияси, рангтасвир асослари фанларининг ривожига хизмат қилади.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги маълумот ва хулосалар Ўзбекистон рангтасвир санъати бўйича олиб бориладиган истиқболдаги тадқиқотларда қўл келиши, методологик ёндашувлардан тасвирий санъатнинг бошқа турларини ўрганишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан характерланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мустақиллик давридаги Ўзбекистон рангтасвирининг асосий тенденциялари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

диссертация тадқиқотидаги замонавий тасвирий санъатда тарихий сиймоларни гавдалантиришда маънавий идеалларни тиклаш, ўтмишни холисона баҳолаш, миллий қадриятларни талқин қилиш бош мезонга айланганини далилловчи илмий хулосалардан 2006-2008 йилларда амалга оширилган ЎЗР ФА Санъатшунослик институтининг ФА-А-2-096 “Мустақиллик даври Ўзбекистон тасвирий санъатида анъанавий мерос ва маънавиятнинг ўрни” мавзусидаги давлат грантининг “Тасвирий санъат” йўналишидаги фундаментал тадқиқотида фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2019 йил 26 июндаги 3/1255-1780-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот ишига киритилган илмий хулосалар юртимизнинг узоқ ва яқин ўтмишига рассомлар картиналари воситасида холис нигоҳ ташлаш, тарихий аждодлар сиймосини тасвирлаш бўйича замонавий рангтасвирдаги ўзига хос услуб ва йўналишларни комплекс тарзда ўрганишга имкон берган;

мустақиллик даври Ўзбекистон замонавий рангтасвирида янги реализм, рамзий-метафорик, шартли-декоративлилик тенденцияларининг миллий рангтасвирга хос фалсафий-эстетик моҳият билан уйғунлашувига оид хулосалар 2018-2021 йилларда амалга оширилаётган ЎЗР ФА Санъатшунослик институтининг ПЗ-2017-0928456 “XIX-XXI асрларда Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатида миллий ўзига хосликнинг шаклланиш жараёни: асосий босқичлар, машхур усталар, ривожланиш муаммолари” мавзусидаги “Тасвирий санъат” йўналишидаги фундаментал тадқиқотида қўлланилган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2019 йил 26 июндаги 3/1255-1782-сон маълумотномаси). Натижада илмий хулосалар XX аср охири – XXI аср бошида ўзбек рангтасвирида юзага келган янги тенденциялар, уларнинг ўзига хос ривожланиш динамикаси ва бадий хусусиятларини очиб беришга хизмат қилган;

замонавий рангтасвирда модернизм йўналишларининг ўзлаштирилишида ёрқин миллий колорит, орнаментал шакл ва ритм устуворлиги бўйича хулосалар 2007-2014 йилларда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va Ma’rifat” телеканалда “Сайқал” кўрсатуви (Ўзбекистон МТРК “Madaniyat va Ma’rifat” телеканалининг 2018 йил 15 январдаги 02-16/21-сон маълумотномаси), Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси “Yoshlar” телеканалда “Умр бахори”, “Олтин тупроқ” кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон МТРК “Yoshlar” телеканалининг 2018 йил 22 январдаги 14-01-76-сон

маълумотномаси). Кўрсатувлар учун қўлланилган илмий-ижодий материаллар томошабинларнинг образли тасаввурларини кенгайтиришга, мамлакатимизда тасвирий санъат соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг моҳиятини очиб беришга, рассомлар ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш асосида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 6 та республика ва 2 та халқаро конференцияларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, эълон қилинган. Улардан 12 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Иловада рангли альбом келтирилган. Диссертациянинг умумий ҳажми 159 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси таҳлил қилинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**Биринчи боб “Ўзбекистон рангтасвири тенденциялари ва илмий методология янгиланишида ижтимоий-маданий контекстнинг аҳамияти”** деб номланган бўлиб, икки бўлимдан иборат.

**Бобнинг биринчи бўлими “Ўзбекистон рангтасвирини тадқиқ этишнинг илмий-назарий аспектлари”** деб аталган. Ўзбекистон рангтасвири ривожини мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий ва маданий ўзгаришлар билан узвий боғлиқ. Бу жараёнларнинг худудий ўзига хосликларига қарамай, улар мустақилликка эришган давлатлар маданияти тараққиёти бўйича умумий назарий ҳолатлар билан боғлиқлик касб этади. Мазкур мамлакатлар маданиятшунослик кесимида учта ривожланиш босқичини босиб ўтди. Яъни, биринчи босқич – босиб ўтилган даврга танқидий муносабат, иккинчи босқич – миллий маданиятнинг аънавий асосдаги туб моҳиятларини идеалликда кўриш ва, ниҳоят, учинчи босқич – дунё замонавий цивилизациясига

муносиб бўладиган мустақкам тараққиёт тамойилларини шакллантиришдан иборат<sup>22</sup>. Умуман юкорида келтирилган қонуният ва босқичлар мустақиллик даври маданияти ривож учун хос бўлди. Ўзбекистон рангтасвиридаги мазкур қонуниятнинг характерли хусусиятлари ва ривожланиш динамикаси ушбу бўлимда тахлилий тарзда очиб берилган.

Ўрганилаётган даврда кечган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар Ўзбекистон рассомлари томонидан чуқур идрок этилиб, уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Қайта қуриш даврида бошланган бу жараёнлар институционал ўзгаришларга, эркин ижодий уюшмаларни ташкил қилишга заруратни пайдо қилди<sup>23</sup>. Шундай қилиб, ХХ асрнинг 90-йилларидан бошлаб Ўзбекистон рангтасвиридаги янги тенденциялар: бир томондан, совет мафқурасини рад этилиши, бошқа томондан миллатни маънавий янгиланиши шароитида шаклланди. Ўзгараётган иқтисодий-ижтимоий воқелик нафақат жамият ҳаётида, балки ижодкорлар онги ва шуурида ўзига хос янгиланишлар имкониятини туғдирди. Ўзбекистон рангтасвирида эса айни бўшлиқни миллий хусусият, азалий қадриятлар, қадимий маданий бойлиқлар, улуг аждодлар меросини чуқур ўрганиш билан тўлдириш борасидаги тажрибалар ўзига хос бадний феномен бўлди.

Ўзбекистон рангтасвирининг назарий асосларини ишлаб чиққан Л.Жадова, В.Лаковская, Т.Махмудов, Д.Саидова, Р.Тоқтош, А.Умаров, Л.Шостко, А.Эгамбердиев тадқиқотларида рангтасвирининг асосий тамойиллари ва тенденциялари тахлил қилинган эди.

Ўзбекистоннинг янги санъати аввалги соқреализмнинг назарий қондаларидан фарқланадиган замонавий методологик ёндашувларни талаб қилади.

Н.Ахмедованинг “ХХ аср Марказий Осиё рангтасвири: шаклланиш ўзига ҳослиги ва ривожланиш” монографиясида худуд санъатининг тарихий-маданий хусусиятлари, ривожланишнинг туб муаммолари, рассомлар ижодидаги этномаданият ўзига ҳослиги изланишлари илк маротаба янгиланган қарашлар асосида очиб берилади. Хусусан, Н.Ахмедова таъқидлашича, замонавий рангтасвирда авваллари этномаданият анъаналари масаласи “миллийлик” ифодавийлик воситаси даражасида қўрилган бўлиб, эндиликда янада мураккаб тартибдаги илмий муаммо сифатида майдонга чиқади, авваллари анъанавий ва эталон бўлиб ҳисобланган услублар эса бугунги кунга келиб рангтасвир учун мос бўлмай, Шарқ санъати асосларининг рамзий унсурларига даъво қилади<sup>24</sup>.

С.Червонаянинг “Россия халқларининг замонавий ислом санъати” китобида Россиянинг мусулмонлар яшайдиган худудларида жадал

<sup>22</sup>Ахмедова Н. Динамика и проблемы развития современного изобразительного искусства Узбекистана // Искусство Узбекистана на современном этапе социо-культурного развития. Материалы семинаров, докладов и коллоквиума экспертов. Ташкент. 2006. – С. 229.

<sup>23</sup>Хакимов А. Новая узбекская живопись // Хакимов А.; Ин-т искусствознания, АН РҮз. – Ташкент. Изд.-во ж-ла «San'at». 2014. – с. 14.

<sup>24</sup> Ахмедова Н. Живопись Центральной Азии XX века: особенности формирования и развития. Ташкент. 2004. – 224 с.

ривожланиш даврини бошидан кечираётган замонавий ислом санъатининг назарий жиҳатлари тадқиқ этилди<sup>25</sup>. Тадқиқотда диний ғояларнинг пластик ифодаси изланишлари, шунингдек мусулмон мифологияси мавзулари талқин этилди, уларда Россия учун анъанавий бўлиб қолган кенг қамровли европача тасвирий тизимдан тортиб постмодернизмнинг турли шаклларигача акс эттирилди.

Шу муносабат билан юртимиз олимларининг ислом муаммоларига бағишланган тадқиқотлари қизиқиш уйғотади. А.Ҳақимовнинг илмий ишларида замонавий санъат ривожига ислом омилининг таъсири масаласига эътибор қаратилган ва бу ишлар уни ҳал қилишга имкон берганлиги ва ушбу масалага биринчи марта эътиборни қаратганлиги билан аҳамиятлидир.<sup>26</sup>

Ўзбекистон рангтасвирини тадқиқ этиш нафақат санъатшуносликнинг янги методологиясини, балки шарқшунослик, фалсафа, маданиятшуносликнинг замонавий ишланмаларини ҳам таҳлил қилади. Шу маънода А.Лосев<sup>27</sup>, Ш.Шукуров<sup>28</sup>, шунингдек постмодернизм файласуфлари Ф.Джеймисон<sup>29</sup>, Ж.Ф.Лиотар<sup>30</sup>, Х.Г.Гадамер<sup>31</sup> кабиларнинг ишларини таъкидлаш мумкин.

Марказий Осиё тасвирий санъатида постмодернизм асослари ва хусусиятларини ўрганиш илк бор Н.Аҳмедова тадқиқотларида ўз аксини топди<sup>32</sup>. Тарихий-маданий контекстнинг постмодернизм тенденцияларига мураккаб ўзаро таъсири ва совет бадий тажрибаси ўрнига келган модернизм йўналишини эгаллаш вазияти очиб берилган.

А.Ҳақимовнинг<sup>33</sup> монографиясидаги “Постмодернизм и национальная идентичность: региональный контекст” мақоласи постмодернистик тенденциялари контекстида этномаданият хусусиятини ўзига хослиги масаласига бағишланган.

1990 – 2000-йиллардаги бадий жараёнлар Ўзбекистонда янгилик ҳисобланган инсталляция, перформанс, видеоарт, фотоарт сингари концептуал санъатнинг шаклларини ўрганиш вазифасини қўйди. Хусусан, уларни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларига “Клип ва видеоарт”<sup>34</sup>, “Давр белгилари”<sup>35</sup> номли мазмунли тўпламлар бағишланди.

<sup>25</sup>Червоная С. Искусство и религия: Современное исламское искусство народов России. – М.: Прогресс-Традиция. 2008. – 552 с., ил.

<sup>26</sup>Ҳақимов А. Исламское искусство Узбекистана: три аспекта // Исламское искусство Узбекистана. Сб. ст. Ташкент. 2009. – с. 14–34.

<sup>27</sup>Лосев А. Проблема символа и реалистическое искусство. – М. 1976. – 367 с.

<sup>28</sup>Шукуров Ш. Искусство средневекового Ирана. - М. 1989. - 247 с.

<sup>29</sup>Джеймисон Ф. Теория постмодернизма // Искусствознание 1/01. М. 2001. – 111-122 с.

<sup>30</sup>Лиотар Ж-Ф. Состояние постмодерна.– СПб.: Алетейя. 1998. – 160 с.

<sup>31</sup>Гадамер Х. Актуальность прекрасного. – М.: Искусство. 1991. – 367 с.

<sup>32</sup>Ахмедова Н. Неизведанный путь. Ин-т искусствознания, АН РУз. – Ташкент: Изд-во ж-ла «San'at». 2015. – 124 с.

<sup>33</sup>Ҳақимов А. Новая узбекская живопись. Ин-т искусствознания, АН РУз. – Ташкент: Изд-во ж-ла «San'at». 2014. – 183 с.

<sup>34</sup>Ҳақимов А. Клип и видеоарт – артефакты массового и элитарного сознания // Клип и видеоарт. Стратиграфия языка. Коллоквиум III. Доклады и стенограмма семинара // Ташкент. 2006. – С. 7-23.

<sup>35</sup>Знаки времени (Культурные контексты современного искусства Узбекистана: наследие и постмодернизм). – Ташкент: Изд-во ж-ла «San'at». 2008. – 152 с.

Умуман олганда, ушбу бўлимда кўрсатилгандек, замонавий рангтасвирни долзарб муаммо нуқтаи назаридан илмий-назарий таҳлил қилиш замонавий маданиятшунослик ва фалсафа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда кенг, фанлараро ёндашувни талаб қилади.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими “Рангтасвирда тарихий мавзунинг долзарблиги” деб номланиб, унда мазкур тенденция хусусиятлари ва бадиий жараёндаги ўрни тадқиқ этилади.

Миллий истиқлол ғояси миллатпарварликни, мозийдаги азалий кадриятлар ва улуг аждодлар тарихини идрок этишдек маънавият асосларини чуқур англаш имконини беради. Бунда табиий равишда тарихий мавзулар талқини олдинги ўринга чиқади.

XX аср давомида тарихий жанрда ижод қилган rassomлар меҳнаткаш халқнинг эркинликка чиқиш учун олиб борган кураши, халқ қахрамонларининг жасорати, илм ва маданият арбоблари билан боғлиқ эпизодларни жонлантирган эди. Аввалги даврда асосий эътибор инқилобий тарих, совет ҳукумати учун кураш мавзуларига қаратилиб, тарихий-революцион картина жанри тараккий топди. Тарихий портретлар ва картиналар В.Уфимцев, Ч.Ахмаров, М.Набиев, В.Жмакин, Н.Кўзибоев, М.Саидов, Г.Абдурахмонов, Б.Бабаев, Р.Чориев, Ж.Умарбеков каби rassomлар ижодидан алоҳида ўрин эгаллади.

Мустақиллик даврига келиб, мазкур мавзунинг мазмун ва моҳияти ўзгарди. Тарихий мавзу ва тарихий портретлар миллий кадриятлар ифодачиси сифатида rassomнинг фуқаролик нуқтаи назари ҳамда миллий меросга муносабатини акс эттириши бу даврда яратилган ижодий ишларнинг ўз ифодасини топди, образлар ва мавзулар талқини ўзгарди. Зеро, тарихнинг туб бурилишлари ва ижтимоий-ғоявий эврилишлар пайтида замон қахрамонлари борасидаги тасаввурлар ўзгаради, давр моҳиятини акс эттирувчи ёрқин тимсоллар яратилишига маънавий эҳтиёж туғилади.

1990 – йиллари тарихий хотирани жонлантириб, янги фуқаролик жамияти онгининг шаклланишида улкан аҳамият касб этувчи тарихий мавзу рангтасвирнинг мазкур жанрида иккита янги тенденцияларни аниқлаб берди. Кадриятларимизга қайтиш, ўтмишни холисона баҳолаш, миллий меросни қайта ўрганиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, тарихий аждодларимиз образини яратиш биринчи тенденцияни ташкил этди. Мазкур тенденция А.Абдуллаев, М.Набиев, С.Абдуллаев, Р.Худойбергенев, А.Маматова, А.Икромжонов, С.Раҳметов, А.Нуритдинов, А.Алиқулов кабилар яратган қатор портретларда ўзининг бадиий ва эстетик ифодасини топди. Янги тарихий қахрамонларни топиш, маънавий идеалларни тиклашга бўлган интилиш натижасида тарихий мавзу биринчи планга чиқиб, тарихий портрет ва тарихий картина жанрига онд хусусиятлар янгиланди.

Иккинчи гуруҳ – кўп йиллик тарихга эга бўлган азалий миллий кадриятларга эътибор қаратиш, уларни қайтадан идрок этиш тенденцияси том маънода янги даврга келиб шаклланди. Бу М.Йўлдошев, Э.Машарипов,

Б.Жалол, А.Икромжонов, О.Муинов, Ж.Умарбеков, Р.Шодиев, Ш.Абдуллаева асарларида намоён бўлди.

Мазкур кўринишнинг кенг спектри қуйидагича таснифланди: тарихий портретлар – рус реализми ва импрессионистик аънаналар синтези, рамзий-портрет, таассурот-портрети, метафора-портрети, вақт ва замон моҳиятидаги кенг вариация ва ҳ.к;

Миллий кадрятлар ифодасига асосланган мавзулар шартли-поэтик ечимдаги картиналар, ҳикоянамолик характеридаги иллюстратив сюжетлар, рамзий-метафорага қурилган ассоциатив, декоратив ва образлиликка йўналтирилган намуналар, маиший характерга эга иллюстрациялар ва ҳ.к.да ўз аксини топди.

Маълумотларнинг ҳаққонийлиги, образларнинг табиийлиги, мукамаллигига эътибор тарихий мавзулар устида ишлашнинг етакчи методи ҳисобланади. Бу рассомлар портрет образларини яратаётганда нафақат ташқи кўриниши, балки ички дунёсини очиб беришга имкон яратади.

Диссертациянинг “Ўзбекистон замонавий рангтасвирида миллий мероснинг ўрни” деб номланган иккинчи боби икки бўлимдан ташкил топган.

Бобнинг “Рамзий-метафорик тенденциянинг шаклланишида Шарқ маънавий-поэтик аънаналарининг таъсири” деб номланган биринчи бўлимида Мустақиллик даври рангтасвирида ўзига хос тарзда шаклланган янги тенденция хусусида фикр юритилади. Дастлабки йиллардаги рангтасвирда ўтмишда мавжуд бўлмаган Шарққа хос фалсафий дунёқараш, образлилик, рамзийлик, жанр ва стилистик тизимлари намоён бўла борди. Қатор асарларда исломий мерос маданияти, кўҳна деворий суратлардан тортиб, шарқ миниатюраси, ислом маънавияти ва фалсафаси, поэзия, афсона ва ривоятларидан келиб чиққан индивидуал пластик таомиллар долзарблашди.

Рамзий-метафорик тағмаёноларга диққат қаратиш асарларнинг сюжетли асосини сиқиб чиқарар экан, шакл ва услуб, ранглар жилоси, бўёқлар маънодорлиги рангтасвир семантикасини бойитди, ботиний ва зоҳирий мутаносибликларни ифода этди. Уларда Шарқ миниатюраси, лирикаси ва мусиқасига хос ички ва ташқи уйғунлик ўз аксини топди.

Мазкур изланишлар 1990-йиллардан бошлаб рассомлар ижодида ўзининг характерли сифатларини кўрсата бошлаган эди. Ўзбекистон рангтасвирида рамзий ва метафорик тенденциялар дастлабки даврда Ф.Аҳмадалиев, Р.Акрамов, Х.Зиёхонов, Л.Ибрагимов, А.Исаев, М.Исанов, Т.Каримов, А.Нур, Ғ.Қодиров, Ж.Усмонов, Ш.Ҳакимов, Ж.Умарбеков, Ш.Абдуллаева, кейинроқ эса, Фарруҳ Аҳмадалиев, Б.Исмоилов, К.Бобоев, Ғ.Ибрагимов ва бошқалар ижодида ўзини намоён этди. Улар рангнинг кучли рамзийлиги етакчилигида Шарқ фалсафаси ва поэтикаси ғояларига таяниб, пластик образларнинг янги дунёсини яратганлиги билан ажралиб турди. Борлиқ муаллифнинг кундалик ҳаёт ташвишларидан йироқ, гўзаллик ва

фалсафий тафаккурнинг сирли дунёсида яширинган, поэтик инон-ихтиёри ва хиссиётидаги шахсий талқинида, яширин орзулар ҳамда кечинмалари билан ўз аксини топди.

Рамзий-метафорик тенденциянинг етакчи хусусиятларидан яна бири рангтасвирда тасаввуф ғояларининг акс этишидир. Ўрта асрлар тасаввуфи ғоялари, дунёкараши ва эстетик тамойилларига янгича ёндашув Ф.Аҳмадалиев, А.Исаев, А.Нур, Ж.Усмоновлар ижодида ўзининг бадий талқинини топди. Яратилган асарларда рассом ижодидаги тасаввуф талқинлари яширинган суфийлик ривоятлари ҳикматини ўрганиш ижодкор томонидан маърифатнинг олий нуқтаси билан бўладиган мулоқотлар ўрнатиш воситаси эканлиги акс этди. Илохий руҳга эришиш саодати, комилликка интилиш йўли рангтасвир асарларидаги тасаввуфнинг ўзига хос талқини тарзида (Навойи, Ғаззолий, Румий) бадий сюжетлари, ранглар градациясида бадий ифода этилди.

Рамзий-метафорик тенденция таракқиётида неопрIMITивизмга асосланган рангтасвир намуналари ҳам ўзини намоеън этди. Европада ХХ асрнинг бошида шаклланган ва ўзининг эстетик хусусиятларига эга бўлган содда ҳамда примитив санъат ҳиссиётларнинг самимийлиги, кундалик оламни дактикроскопик аниқликда кўришдек алоҳида жиҳатлари билан тасвирий санъатдаги муайян йўналиш тусини олган эди. Янги тенденция шаклланиб борар экан, рассомлар ижодида неопрIMITивизм қайта идрок этилиб, синтез қилиш ҳолатлари кузатилди. Мазкур тенденцияга ижодий ёндашиш соддалик, бегуборлик остида Шаркка хос донишмандликни мужассам этишдек ўзига хос сифатни юзага келтирди. Хусусан, рассом Ш.Ҳақимов ижодида бу жараён неопрIMITивизм даражасига чиққанлиги тадқиқот хулосаларида ўз аксини топди. НеопрIMITивизм асосида рамзий-метафорик нуқтаи назар орқали интеллектуал фалсафий қарашлар, шаркона донолик, яширинган ҳикматларни ифодалаш мазкур тенденциянинг алоҳида сифатлари бўлиб майдонга келди.

Миллий рангтасвир учун долзарб бўлган рамзий-метафорик тенденция рассомларга мозийни ўрганиш ва олис тарих қатламларидаги ғоялар билан боғлиқ мавзулар ва образларни идрок этиш орқали азалий қадриятларнинг замонавий талқинини яратиш имконини берди. Рамзий-метафорик рангтасвир борлиққа рассомнинг субъектив муносабатини рамз, белги, ишора ва тағмаъноларга тўла композицион яхлитликда ифодалаш, азалий қадриятлар ва миллий хусусиятлардан иккиламчи архетипларни яратиш учун рағбатлантирувчи омил тарзида фойдаланиш шарт-шароитини келтириб чиқарди. Халқ маданияти анъаналари, анъанавий номоддий мерос билан боғлиқ афсонавий поэтика комплексини долзарблаштирди ва реалистик рангтасвирдан аста-секин узоклашиш ҳамда фигуратив тасвирлар ўрнини белги ва мавҳумлик билан тўлдириш, Европа рангтасвири тажрибасини ўзлаштириш орқали ўзида автохтон санъатнинг архаик белги ва рамзлари асосида интеллектуал пландаги янги ижодий тажрибаларга йўл очди.

Рамзий-метафорик тенденциянинг бугунги тасвирий санъат тараққиётидаги ўрни ва ахамияти мазкур бўлимда муайян рангтасвир намуналари таҳлили мисолида очиб берилган. Бу тенденцияни тақдим этувчи рассомлар турли услубий шаклларни олиб кириши ижодий тажрибаларни янгилади, бадиий синтезда ўзига хос йўлни излаши билан миллий рангтасвир мактабининг жаҳон бадиий жараёнига яқинлашишига хизмат қилмоқда.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлимида “Замонавий рангтасвирида шартли-декоратив тенденциянинг янгилини хусусиятлари” масаласи ўрганилган.

Шартли-декоратив тенденция билан боғлиқ асарларда ўзбек халқ санъатига хос ранг-баранглик ва декоративлик ётарди. Шартли-декоратив тенденция 1990-йиллари ўзбек рангтасвирида мукамал шаклланган мустақил йўналиш мавқеига эга бўлди. Ўзбек рангтасвирининг миллий ўзига хослиги, халқ санъати роли, соцреализм меъёрларининг рассомлар изланишларига таъсири каби муаммоларга қарашлар қанчалик мураккаб шаклланганлиги В.Чепелев<sup>36</sup>, В.Лаковская<sup>37</sup>, Н.Ахмедова<sup>38</sup>, А.Ҳақимов<sup>39</sup> каби юртимиз тадқиқотчилари асарларида ўз аксини топди.

Бу тенденцияни шаклланишида А.Волков, Н.Кашина, Н.Қарахан, У.Тансиқбоев, кейинчалик эса Ч.Ахмаров, Р.Аҳмедов, Б.Бабаев, Р.Қориев, Г.Улько, Ш.Абдурашидов, А.Мирзаев, Р.Шодиев каби рассомлар муҳим роль ўйнади.

Янги тараққиёт босқичини бошлаган шартли-декоратив тенденция Шарқнинг мумтоз мероси ғоясини Ўзбекистон рангтасвиридаги янги ва муҳим ташкилий қисмга айлантира олди. Колоритнинг ҳиссиётлилиги ва экспрессияси, пластик шаклларнинг шартлилиги, дунёни жарангдор безаклар уйғунлигида, рамзий ранглар воситасида ифодалаш декоратив тенденциядаги рассомлар Н.Шин, А.Мирзаев, Р.Шодиев, И.Валихўжаев, Ш.Абдуллаева, Ёшлардан Н.Шоабдурахимов, Д.Мамедова, А.Иванова, Т.Каримов, О.Залевская, С.Куртжемилъ, К.Бобоев, З. Мансуров каби асарларида намоён бўлди. Уларнинг асарлари таҳлиладан шундай хулосага келиш мумкинки, рассомлар декоративликни миллий анъаналар хусусиятининг ифодаси сифатидагина эмас, балки асарнинг бир бутун, колористик, ритмик-мақоний таркиби сифатида тушунадилар.

Д.Мамедова, И.Кулагина, А.Иванова, О.Залевская, С.Куртжемилъ каби ёш рассомлар асарларида модернизм принципларини миллий анъаналар билан уйғунлаштиришнинг янги имкониятларини излаш мавҳум колористик композициялар ишлашга интилиш тенденциялари кузатилади.

Учинчи боб “Ўзбекистонда модернизм йўналишлари ва концептуал санъатнинг ўзлаштирилиши хусусиятлари” деб номланган.

<sup>36</sup> Чепелев В. Искусство Советского Узбекистана. – Л.: Изд. Ленинградского обл. Союза художников. 1935. – 127 с.

<sup>37</sup> Лаковская В. Послевоенная станковая живопись Узбекистана. – Ташкент: Фан. 1991. – 156 с.

<sup>38</sup> Ахмедова Н. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. Ташкент. 2004. – 224 с.

<sup>39</sup> Хақимов А. Нетленный свет / А. Хақимов. – Ташкент: Издательство журнала “San’at”. 2018. – с. 19.



Мазкур бобнинг “Миллий рангасвида Ғарб модернизми йўналишларининг ижодий ўзлаштирилиши” деб номланган биринчи бўлимида жамиятнинг янгиланиши бадий ижодда илгари ман этилган мавзу ва йўналишларга асосий эътибор берилди. Мустақилликнинг муҳим ютуқларидан саналмиш ўзликни намоён этишдаги эркинлик ижодкорларни совет мафкураси таъсиридан ҳалос этиб, янги имкониятларни очди. Булардан бири Ғарбий Европа маданиятининг турли шакллари ва йўналишларининг кириб келиши билан боғлиқ бўлди.

XX аср биринчи ярми давомида Ғарбий Европа маданиятида модернизм ривожланиб, ўз тараққиёти хусусиятига эга бўлди. Тадқиқот шуни кўрсатадики, замонавий Ўзбекистон рангасвири учун модернизм бегона йўналиш эмас. XX асрнинг 1920-1930-йилларидаёқ Ўзбекистон авангард усталари ижодида мазкур йўналиш бадий ифода этилиб, А.Волков, В.Уфимцев, М.Курзин, Ў.Тансиқбоев, Н.Қарахан асарларида модернизм тажрибалари ўзига хос услубда миллий руҳга мослаштирилган эди. Модернистик асарларнинг бадий хусусияти фалсафий умумлаштириш характери билан ўзига хослик касб этганди.


Бу тарихий ва бадий омиллар Марказий Осиёни экзотика ва фольклор ҳудуди эмас, балки авангард санъатининг ўзига хос марказларидан бири эканлигини тадқиқотчилар томонидан ҳақли равишда таъкидланишига асос бўлди. Масалан, “рассом-абстрактчи учун модернизмнинг етакчи йўналишлари абстракционизм, экспрессионизм, кубизм кўринишида намоён бўлиб, аввало ижоддаги эркинлик тушунчасидан бошланади, борликни кўплаб субъектлар томонидан ўз ҳолича турли тарзда ифодалаш йўлини акс эттиради”<sup>40</sup>.

Ўзбекистон рангасвирида абстракционизм А.Крикис, В.Охунов, Б.Жалол, В.Бурмакин, Ю.Усеинов, М.Абдуллаев, В.Чуб, В.Апухтин, А.Николаев, Е.Камбина каби рассомларнинг индивидуал ижодий услубида ўз аксини топди. Хусусан, Ўзбекистон абстракционизмнинг етакчи вакили А.Крикис асарлари борликни ўз ҳолича аниқ ранг ва геометрик шаклларда нофигуратив тасвирлаш орқали турлича таассуротлар уйғотиш ва айни пайтда фикрлар уйғунлашувига эришиши билан ажралиб туради.

Бу даврга келиб Бухоро, Фарғона, Тошкент миллий рангасвир марказлари экспрессионизм ва кубизм йўналишини ўзлаштирди. Хусусан, бухоролик рассомлар ижодида экспрессионизмнинг характерли хусусиятлари намоён бўлиши З.Салимжонов, М.Абдуллаев, П.Гулқаров, Н.Бобоев, Х.Евдаев асарларида кузатилиб, Шарқона кўтаринкилик ва безакдорликдан чекиниш, қалбнинг ўзига хос исёни тарзида кўзга ташланди.

Мазкур бўлим ҳулосаларида рангасвирнинг пластик ва эстетик жиҳати янгиланишида Европа модернизми тажрибасини эгаллаш муҳим аҳамият касб этганлиги муайян рассомлар ижоди орқали таҳлилий очиб берилди. Модернизм йўналиши А.Николаев, Е.Камбина каби рассомлар

